

**Ж.Ж.Эгамбердиев**

АДЧТИ доценти

## **УМУМТИЛ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРДА ТЕРМИНОЛОГИК ЛЕКСЕМА МАСАЛАСИ**

XX асрнинг иккинчи ярми XXI асрнинг дастлабки чорак даври ичида инсоният тарихида мисли кўрилмаган илмий-техникавий, таълим-тарбиявий, маданий юксалишларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Турли соҳа мутахассисларининг доимий мулоқотда бўлиши, ранг-баранг информациялар алмашуви халқларнинг маънавий, маданий дунёсини бойишига олиб келмоқда. Чет эл билан эркин мулоқотга киришиш, фикр алмашиш ҳозирги кунда оддий ҳолатга айланмоқда. Ушбу ўринда таъкидлаш лозимки, турли луғат турларининг аҳамияти бекиёсдир. Луғат ҳар қандай тилнинг мулоқот воситаси сифатида миллий-маданий ўзлигини асрашда, ўзлаштиришда, бойитишда асосий қурол ҳисобланади.

Маълумки, мавжуд луғат турларидан энг аҳамиятлиси, асосийси ҳар бир тилнинг адабий, умумтил изоҳли луғатидир. Дарвоқе, бирон адабий тилни маълум тарихий давр тараққиётини, ҳолатини холисона аниқ ифодалаб бериш қанчалик оғир бўлмасин, бу филологик изоҳли луғат зиммасида бўлади. Луғат тилни лексик, фразеологик бирликларни хронологик нуқтаи назардан тўлиқ, давр актуал сўзларини кенг миқёсда кодификация қилинишига қараб баҳоланади. Лекин буни амалга ошириш анча мураккаб масала ҳисобланади. Таниқли рус луғатшуноси А.М. Бабкиннинг одилона таъкидлашича, “Установить и зарегистрировать состав лексики живого литературного языка в какую-либо пору его существования столь же важно, как и трудно”<sup>1</sup>. (Таржимаси: Адабий тил таркибини бирор-бир даврда аниқлаш ҳамда қайд этиш, рўйхатга олиш қанчалик аҳамиятли бўлиши билан бир қаторда, шунчалик қийин ҳамдир.) Тилнинг луғат таркиби, аввалом бор, бизни ўраб турган табиий борлиқ билан боғлиқ. Ушбу ўринда таъкидлаш лозимки, тил соҳиблари, айниқса, луғатшунослар жамиятдаги катта-ю кичик ўзгаришларга беъэтибор бўлмастиклари талаб этилади. Чунки ҳар қандай янги воқелик, янги яратилган нарса, иш-ҳаракат ва янги тушунчалар ўз номларига эга бўлади ва тилда янги сўз ва терминлар шаклланиб, унинг луғат таркиби бойиб боради, турли луғатлар сўзлигидан ўрин олади. Лекин алоҳида таъкидлаш лозимки, тилдаги лексик бирликларнинг баъзи қатламларидаги ўзгаришлар луғат тузилаётган вақтда муомалада кам истефода этилиши, пассив ҳолатда бўлиши ва уларни кодификация қилиш масаласи луғат тузиш жараёнидаги энг қийин масалалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, ҳар қандай замонавий изоҳли луғат сўзлигининг катта қисмини фан-техникага, ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган терминлар ташкил қилади. Масалан, ўзбек тилининг янги олти жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” сўзлиги таркибида олтмиш тўрт (64) турдаги илм-фан, техника ва гуманитар фанлари терминлари ўрин олган<sup>2</sup>.

Инглиз тилининг нуфузли луғатларидан бири Webster’s Third New International Dictionary (unabridged, 1993) луғати сўзлигига саксон минг 45 соҳа терминлари ва 200 нафар турли соҳа вакиллари асарларидан терминлар киритилган. Буларнинг барчаси техника, ишлаб чиқаришнинг мисли кўрилмаган тараққиёти натижасида ҳосил бўлаётган терминлар

<sup>1</sup> Бабкин А.М. Новый академический словарь русского языка. Проспект М. 1971, 13-бет.

<sup>2</sup> “O’zbek tilining izohli lug’ati” 80 000 dan ortiq so’z va so’z birikmasi, 6 jildli. Toshkent-2023. Birinchi jild 28-31 betlar.

тизимини шаклланаётганидан дарак беради. Бу ҳолат ўз навбатида луғатшуносларга аниқ бир луғат тузиш жараёнида у ёки бу терминни танлаш масъулиятини юклайди.

Умумтил изоҳли луғатларга терминлар танлаб олишда асосан луғатни кенг омма доирасига мўлжалланганлиги, шу билан бирга, умум ўрта таълимга эга бўлган шахслар кўзда тутилади. Танлаб олинган терминлар эса асосан ўрта мактаб дарсликларидан, қўлланмаларидан, илмий-оммабоп адабиётлардан, ижтимоий ахборот тармоқларидан олиниши талаб этилади. Чунки турли фан соҳаларига тааллуқли махсус терминларнинг сон кўрсаткичи шунчалик кўпки, уларни бир неча жилдли умумтил луғатларига қатъий танловсиз олишнинг иложи йўқ. Ушбу ўринда, у ёки бу терминни луғат таркибига олиниши ёки олинмаслик даражаси унинг барчага тушунарли бўлиши ҳамда оммабоплиги билан характерланади. Айнан ушбу тамойил яъни терминнинг тилда қўлланиш даражаси, унинг ижтимоий ҳаётдаги роли ва ўрни орқали аниқланади.

Баъзи терминлар ўз фан соҳасидан ташқарига чиққан ҳолда аста-секин умумтил таркибининг ажралмас қисмига айланади. Натижада, бу каби лексик бирликлар изоҳли луғатнинг сўзлик таркибидан ўрин олишлари талаб этилади. Масалан, сўнгги йилларда кўп ишлатилаётган “сервер” сўзи инглиз тилидан ўзлашган техникага оид термин “муайян дастурлар тўплами билан таъминланган ва умумкомпьютер тармоғида диспетчерлик, тақсимлаш ва бошқариш вазифаларини амалга оширувчи компьютер ёки компьютерлар гуруҳи”<sup>3</sup> ёки француз тилидан олинган уч маъноли “эшалон” сўзини ҳарбий термин сифатида “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да қуйидагича кодификация қилинган: **ЭШЕЛОН** [фр. эшелон<эчелле – зина, зинапоя: шкала]. **1** ҳарб. Махсус юк, техника, артиллерия, танк ва қўшинлар ортилган поезд ёки автоколонна. **2.** ҳарб. Кетма-кет саф тортган, бирин-кетин жангга солинадиган қўшинларнинг навбатдаги гуруҳи. **3.** Бир хил юк ортилган, бир мақсад билан жўнатилган поезд ёки автомобиллар қатори<sup>4</sup>.

Булар қаторига сўнгги йилларда компьютер ва смартфонлар билан боғлиқ қудалик мулоқотда кенг қўлланилаётган кўплаб янги-янги тушунча-терминларни киритишимиз мумкин. Масалан: компьютер, смартфон, смс, youtube, wi-fi, hemis ва бошқалар.

Бу каби терминлар тизими бир қатор тилларнинг луғат таркибидан ўз ўринларини олиб бўлган, уларнинг ҳар бири адабий тил бирлигига айланган. Уларга бўлган коммуникатив эҳтиёж ва уларни қўлланиш даражаси умумтил изоҳли луғатлардан жой олишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари ҳар қандай изоҳли луғат маълумот берувчи, маълумот ташувчи восита сифатида адабий тил нормалари асосида шаклланади. Тилнинг тўхтовсиз равишда илмийлашуви, интеллектуаллашуви эса замонавий терминларга эътиборни кучайтиради ва улар давр талабидан келиб чиққан ҳолда луғат сўзлигидан қонуний ўрин олади.

Қисқача хулоса қилсак, бизнинг назаримизда, замонавий умумтил изоҳли луғати оддий сўзлар тўплами бўлмасдан, бу кўп тармоқли илмий асар ҳамдир. Бунда “яшовчан” илғор фикрлар ва замонавий ғоялар билан бир қаторда адабий тил ривожланиш тендециялари намоён этилади.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, учинчи жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, Тошкент 2008, 483-бет.

<sup>4</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, учинчи жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, Тошкент 2008, 64-бет.

Луғатнинг сўзлик таркибига қўшилаётган терминларнинг кўлами, доираси ҳам ҳар қачонгидан кенгроқ ва мукамалроқ бўлиши талаб этилади. Айниқса, сунъий тафаккур (интеллект) билан боғлиқ ғоя, тушунча ва терминларни ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида пайдо бўлиши, ишлаб чиқаришда қўлланилиши луғатшуносларнинг диққат марказида бўлмоғи лозим. Терминларни ўзга тиллардан ўзлаштириш даражаси, уларни луғатларда кодификация қилиш, изоҳлаш замонавий луғатшуносликнинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Шу билан бирга, замонавий терминология, терминлар масаласи нафақат луғатшуносларнинг, балки тилшунос лексикологларнинг актуал тадқиқот объектига айланмоғи лозим.